2010 ЙИЛ 1 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 231 (11.792)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ВАТАН ШАРАФИ УЧУН КУРАШМОҚ БАХТИ

**Тошкент халқаро аэропортида XVI ёзги Осиё ўйинлари совриндорлари ва иштирокчилари тантанали кутиб олинди.**

Ўзбекистон спортчилари жорий йилнинг 12-27 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, мустақил юртимиз шуҳратига шуҳрат қўшгани барчамизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Қитъамизнинг энг йирик спорт фестивалида 11 олтин, 22 кумуш ва 23 бронза, жами 56 медални қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

*(Давоми 2-бетда)*

## КОНЦЕПЦИЯ ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА

**Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузасини умумий ўрта таълим мактабларида ўрганиш бўйича ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда юртимиздаги умумий ўрта таълим мактабларининг директорлари, ўқитувчилар ва услубчилар иштирок этди.

Семинарда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган концепция жамиятимиздаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлиши, ундаги илғор ғоялар, фикр ва мулоҳазалар янгича қараш билан ёндашилгани, чуқур таҳлилларга бойлиги, қамровининг кенглиги билан алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди. Мазкур маърузанинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгу шуурига тўла етказишда таълим муассасаларининг ўрни беқиёс. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган концепциянинг мазмун-моҳияти махсус факультатив ўқув дастури сифатида ўқитилиши яхши самара беради.

Ўқув-семинарда давлатимиз раҳбарининг маърузасини ўқувчи-ёшларга самарали ва таъсирчан тарзда етказиш, бунда ўқитувчиларнинг интеллектуал-педагогик салоҳиятини янада оширишга оид маърузалар тингланди.

**Назокат УСМОНОВА**

**30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ПАРЛАМЕНТ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Олий Мажлис қуйи палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар муҳокамаси мажлис кун тартибидаги асосий масала этиб белгиланди.

Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Улар таъкидладиларки, давлатимиз раҳбари мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиётининг янги босқичини ҳисобга олган ҳолда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг кенг миқёсли, чуқур асослантирилган дастурини илгари сурди, ўтган мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон босиб ўтган йўлни холисона таҳлил этди. Ёш суверен давлатнинг ўтган йилларда эришган ютуқлари мамлакатни тадрижий, босқичма-босқич ривожлантириш борасида танланган йўл тўғри эканлиги ва бундан буён ҳам шу йўлни давом эттириш зарурлигининг ишончли далилидир.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш, қатор янги қонунларни қабул қилиш ва амалдагиларини такомиллаштириш тўғрисидаги йирик қонунчилик ташаббуслари давлат ҳокимиятининг учта субъекти ўртасидаги: Президент – давлат бошлиғи, қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ваколатларни мутаносиб равишда тақсимлашга, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилганлиги мажлисда алоҳида қайд этилди. Бу моҳиятан ёш мустақил давлатни ривожлантиришнинг, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишнинг янги босқичидир.

Муҳокама иштирокчилари мамлакатимизда биринчи марта янги, демократик принципларга жавоб берувчи тартиб, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партия ёки тенг депутатлик ўринларини олган бир нечта сиёсий партиялар томонидан таклиф этилишига доир тартиб жорий қилинаётганини таъкидладилар.

Олий Мажлисга Бош вазирга ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилиши ҳокимиятнинг олий органлари тизимидаги муҳим янгиликлардан бири бўлиб, бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби ҳам истеъфога чиқади. Мазкур чора-тадбирлар муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партиялар фракциялари ва парламентнинг ролини сезиларли даражада оширади.

*(Давоми 2-бетда)*

**Тошкентда "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалалари ва кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясининг амалга оширилиши" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчисининг офиси томонидан ташкил этилди.**

## ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОМИЛИ

Конференцияда Буюк Британия, Германия, Италия, Сингапур, АҚШ, Украина, Япониядан экспертлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик миссиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимиз фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманни ўтказишдан мақсад – Президентимиз Ислом Каримовнинг парламентимиз палаталарининг шу йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашишдан иборат.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа жабҳалардаги ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда босқичма-босқич, тизимли ва комплекс равишда, изчил амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда ривожланишнинг янги босқичи бошланганидан далолатдир. Мазкур концепциянинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифа – дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан жой олишда асос бўлиб хизмат қилади.

Хорижлик экспертлар Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ҳокимият тузилмаларининг ваколатлари тубдан қисқартирилгани, бошқарув номарказлаштирилаётгани, парламент ва кўппартиявийлик тизимлари мустаҳкамланиб бораётганини таъкидладилар. Буларнинг барчаси кучли фуқаролик жамиятини қуриш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни чуқурлаштириш йўллари белгилаб берилган, пухта ўйланган ва ҳар томонлама асосланган мазкур концепциянинг ҳаётга жорий этилиши фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий ҳамкорлигини кучайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жойларда ижтимоий дастурларни бажаришдаги ҳамда давлат ва жамият қурилишига оид муҳим аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишдаги фаол иштирокини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎРТА** махсус касб-ҳунар таълими тизими мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институти томонидан замонавий педагогик технологияларни ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент давлат техника университети фалсафа кафедраси ташаббуси билан «Конституция – инсон ҳуқуқларининг қомусий ҳужжати» мавзусида конференция ташкил этилди.

✓ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 178-мактабда «Конституция ва баркамол авлод» мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Мамлакатимиз Асосий Қонуни қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган шу каби тадбир Мирзо Улуғбек туманидаги 112-мактабда ҳам бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Андижон вилояти ўқувчилар саройида «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари аниқланди.**
- **Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонасида пойтахт вилояти ҳакамлик ва хўжалик судлари судьялари иштирокида ўқув семинари ўтказилди. Унда ҳакамлик судларининг бошқа ваколатли судлар билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, кўриб чиқилган низоли ишларнинг сифатини ошириш ҳамда ҳакамлик судларидаги судьяларнинг қонунчилик ва суд амалиёти бўйича билимларини ошириш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.**
- **«Қўқонспирт» ОАЖ корхонаси қошида мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи янги цех ишга туширилди. Франция технологияси асосида барпо этилган мини корхонада ҳозирда 10 турдан зиёд консерва ва шарбат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, савдо тармоқларига жўнатилмоқда. Янги цехнинг ишга туширилиши натижасида 75 та қўшимча ишчи ўринлари яратилди.**
- **Гулистондаги вилоят маънавият ва маърифат марказида «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлардан 13 нафар маънавият тарғиботчиси иштирок этди.**
- **Сирдарё вилоятидаги «Ховосдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди. Жумладан, хориждан келтирилган 517 минг АҚШ долларлик замонавий технологиялар ёрдамида бир кеча-кундузда 100 тоннагача буғдойни қайта ишлаш имконияти яратилди.**
- **«Агробанк»нинг юз миллион сўмлик кредити ҳисобига Қўқон шаҳридаги «Азия экопласт» хусусий корхонасида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонанинг ўн кишилик жамоаси қисқа муддатда ўз мижозларига 20 минг метрга яқин полиэтилен маҳсулотлари етказиб берди.**
- **Бухоро туманида боғдорчилик ва мевачилик тажриба мактаби ўз фаолиятини бошлади. Мактабнинг биринчи ўқув семинарида боғу узумзорларда, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириладиган майдонларда шу кеча-кундузда қилиниши керак бўлган агротехник тадбирлар мутахассислар томонидан амалий тарзда намойиш этилди.**

### ЖАҲОНДА

- **Европа Иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарлари Ирландияга 85 миллиард евро миқдорида ёрдам ажратиш юзасидан бир тўхтамга келдилар.**
- **Испания Бош вазири Хосе Луис Родригес Сапатеро ўз мамлакати Европа Иттифоқидан иқтисодий ёрдам сўраши учун ҳеч қандай асос йўқлигини таъкидлаб ўтди. Ҳукумат бошлиғининг айтишича, бюджет харажатларини камайтириш режа асосида олиб бориляпти.**
- **Сомали қароқчилари Туркия, Украина кемаларини қарийб икки ой ушлаб турганидан сўнг озодликка чиқарди. Маълумотларга қараганда, кемалардаги 40 нафарга яқин экипаж аъзоси муайян миқдордаги гаров пули эвазига қутқарилган.**
- **Хитойдаги шахтани сув босиши натижасида камида етти нафар кончи қийин аҳволда қолган.**
- **Россия ва Болгария Беленадаги АЭС юзасидан меморандум имзолади.**
- **АҚШ Эронга нисбатан янги санкцияларни жорий этди.**
- **Кеча Лондон шаҳри метроси ходимлари ишга чиқишдан бош тортганлиги сабабли метронинг 114 та бекатида бир кеча-кундуз давомида қатнов бутунлай тўхтади. Маълумотларга қараганда, метрополитен ходимлари минг нафар ишчининг бўшатилишига қарши норозилигини шундай ифодалашган. Агар уларнинг талаби қондирилмаса, иш ташлаш давом этади.**
- **Ҳиндистонда муссон ёмғирлари оқибатида кучли сув тошқинлари келиб чиқди. Мамлакатнинг Канатака, Андхра-Прадеш ва Махараштра штатлари аҳолиси табиий офатдан жабр кўрган. Маҳаллий ҳукумат вакилининг билдиришича, табиий офат туфайли 200 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмган, 1,5 миллион аҳоли уй-жойсиз қолган.**

# ПАРЛАМЕНТ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қонунчилик палатаси депутатларининг фикрича, демократик янгиланишларни янада чуқурлаштиришнинг давлатимиз раҳбари томонидан шакллантирилган олтита энг муҳим устувор йўналиши мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий жиҳатдан бардавом ривожлантиришда, халқ фаровонлигини ошириб боришда, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга моликдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган мақсадларга муваффақиятли эришилиши учун барча давлат ва жамоат ташкилотларининг, мамлакат фуқароларининг юксак даражадаги фаоллиги ва масъулиятлилиги талаб этилади.

Халқ депутатлари мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичида икки палатали, профессионал Олий Мажлис олдида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш учун парламент ишининг самарадорлигини ошириш борасида тинимсиз изланиш, қонунчилик ва депутатлик сўровлари бўйича ташаббуслар билан чиқишда юксак фаоллик ва масъулиятга, ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилишда дадиллик ва изчилликка амал қилиш зарурлигини таъкидладилар. Шу муносабат билан парламентда сиёсий партиялар фракцияларининг ролини ошириш, депутатларнинг фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Сўзга чиққанлар парламент назоратининг депутатлик сўрови, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ишларнинг аҳволига доир ҳолат бўйича ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини эшитиш каби шаклларидан янада самарали фойдаланиш зарурлиги борасида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Округларда сайловчилар билан иш олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини барча фуқароларга етказиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш зарурлиги ҳам уқтириб ўтилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳокамаси чоғида депутатлар давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббусларини амалда рўёбга чиқаришга, янги шароитларда парламент фаолиятини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишни таклиф этдилар. Бунда қўмита ва фракциялар ишининг янги шакллари ва усулларини излаб топиш, Қонунчилик палатаси депутатларининг бошқа ҳуқуқ субъектлари билан самарали ҳамкорлигига, қонунчилик техникасини такомиллаштиришга, қонун ижодкорлиги борасида илғор чет эл тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасига бағишланган муҳокама якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси**
**Матбуот хизмати**



# ВАТАН ШАРАФИ УЧУН КУРАШМОҚ БАХТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимиз спорт жамоатчилиги вакиллари, спортчиларимизнинг ота-оналари ва яқинлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда мухлислар йиғилди.

Ўзбекистон спортчиларининг Осиё ўйинларида эришган муваффақиятлари мустақиллик берган улкан имкониятлар, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни изчил ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий натижасидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, Универсиада спорт мусобақалари, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши спортнинг ёшлар ўртасида оммалашувида муҳим омил бўлмоқда. Юртимизда кўплаб замонавий спорт мажмуалари, сув спорти саройлари, стадионлар, спорт майдонлари барпо этилди, спорт анжомлари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Бундай спорт иншоотларида тарбияланаётган спортчиларнинг янги авлоди халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтармоқда.

– Ҳар қандай халқаро мусобақада Ўзбекистонимиз шарафи учун майдонга чиқиш бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди, – дейди шахмат бўйича жаҳон чемпиони, XVI ёзги Осиё ўйинлари ғолиби Рустам Қосимжонов. – Мамлакатимизда ёшларнинг барча соҳада бўлгани каби спортда ҳам ўз иқтидори ва истеъдодини намойиш қилиши, тажриба, малака ва маҳоратини ошириши учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратилган. Бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни ҳамиша шоҳсупа сари бошлайди.

– Осиё ўйинларида терма жамоамиз асосан ёшлардан таркиб топган бўлса-да, натижалар салмоқли бўлди, – дейди бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев. – Спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида юқори натижаларга эришаётганига фарзандларимизнинг болаликдан спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилгани муҳим омил бўлаётир. Ҳамюртларимиз 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига ҳам пухта тайёргарлик кўриб, мухлису мутахассисларимиз ишончини оқлайди, деб ишонамиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ОМИЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ва самарали натижалар бераётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақида фикр алмашди. Дунёнинг аксарият давлатларида глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида ишлаб чиқариш суръатлари жиддий пасайиши кузатилган бир пайтда мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида юқори иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш суръатлари таъминланди. Хорижий экспертлар Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш асосида ушбу соҳани янада эркинлаштириш фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлашга кўмаклашаётгани алоҳида таъкидланди.

**Фрэнк ЛЕМКЕ, «Германия-Ўзбекистон» дўстлик жамияти аъзоси (Германия):** «Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотлар фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир. Амалга оширилаётган барча ўзгаришлар мамлакатни тубдан демократлаштириш масалалари муваффақиятли ҳал этилаётганидан далолатдир. Давлатингиз раҳбари юритаётган сиёсат бутун халқингиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари томонидан таклиф этилган Президентнинг айрим ваколатларини мамлакат парламентига ўтказиш, Бош вазирни сайлаш тизими муҳим янгиликлардандир. Халқ сайлаган депутатларнинг масъулиятни чуқур ҳис этиб, бундай ваколатларни ўз зиммасига олиши, фуқаролик жамиятининг ривожланишига хизмат қилади. Буларнинг барчаси кўплаб давлатлар учун демократияни ривожлантириш борасида намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин».

**Виталий КУЛИК, Фуқаролик жамияти муаммоларини тадқиқ қилиш маркази директори (Украина):** «Ўзбекистонда «шок терапияси»дан воз кечилиб, ислоҳотларни босқичма-босқич ҳамда изчил амалга оширишга асосланган ўз ривожланиш моделининг танлангани мустақил давлатни барпо этиш борасидаги энг тўғри йўл бўлди. Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган амалга оширилаётган туб ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга доир Концепция демократик институтларни ривожлантиришда муҳим омил бўлади, кўппартиявийликнинг барқарор платформасини яратиш, жамоат ташкилотларининг ролини ошириш, мухтасар айтганда, ислоҳотлар жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради. МДҲдаги аксарият давлатлардан фарқли равишда, Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2007 йилдаёқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳисобланади, деган норма чиқариб ташланган эди. Ҳукуматни энди парламент ва парламентдаги кўпчилик шакллантириши навбатдаги муҳим қадам бўлди. Ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини амалга оширишдаги сиёсий партияларнинг масъулияти сезиларли даражада кучаяди. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш, маҳаллани аҳолига аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатиш марказига айлантириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни янада ривожлантириш Концепцияда белгиланган муҳим вазифалардандир. Давлатнинг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларга ҳомийлик қилиш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси ноёб бўлиб, ўрганишга лойиқдир. Собиқ совет республикалари ҳудудида ташкил топган аксарият мамлакатларда Ғарб хайрия жамғармалари асосий грант берувчилар ҳисобланади. Давлат фуқаролик жамияти миллий институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда ўзининг сиёсий иродасини намоён эта олмаса, давлат ва жамият ўртасида муайян келишмовчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистондан фарқли равишда, Грузия, Украина, Қирғизистонда шундай ҳолат кузатилмоқда. Ўзбекистон фуқаролик жамиятини шакллантиришда бой тажрибага эга ва бу тажриба МДҲнинг бошқа давлатлари, шу жумладан, Украина учун ҳам фойдали бўлади».

**Святослав ВАРАДЖАКОВ, Кембриж форумининг Марказий Осиё бўйича эксперти (Буюк Британия):** «Президент Ислом Каримовнинг маърузасида мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларида, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича ислоҳотларни чуқурлаштириш назарда тутилган. Бу борада белгиланган туб ўзгаришлар Ўзбекистон халқи томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда ва халқаро майдонда юртингиз сиёсий нуфузининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатингиз демократия йўлидан қатъият билан бораётганидан ва кенг жамоатчилик ҳамда ҳукуматнинг ўзаро самарали ҳамкорлик қилишга тайёрлигидан далолатдир. Давлатингиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция Ўзбекистонга сармоя киритиш истагида бўлган хорижий инвесторлар учун ҳам муҳим рағбат бўлади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг жадал ўсиши амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини кўрсатади. Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви мунтазам камайтирилмоқда, айни пайтда у самарали менежер, зарур таркибий ва солиқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширувчи бўлиб қолмоқда».

**Кларк ПЛЕКСИКО, Миллий демократик институтнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори (АҚШ):** «Ўзбекистон танлаган ислоҳотларнинг самарали моделини бошқа мамлакатлар ҳам муваффақиятли қўллаши мумкин. Президент Ислом Каримовнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилини амалга оширишда ва мамлакатингизни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади. Демократлаштириш соҳасида Ўзбекистоннинг тажрибасини янада батафсил ўрганиш ва кенг жорий этиш зарур».

**Вольфганг ШРАЙБЕР, «Германия-Ўзбекистон» дўстлик жамияти президенти (Германия):** «Маҳалла – Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг ноёб институтидир. Маҳалла ўз фаолиятида одамларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари ва манфаатларини ифодалайди. У халқнинг ўзига хос овози ҳисобланади. Мамлакатингиз Президентининг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси фуқаролик жамиятини ривожлантиришда янги ва кучли омил бўлади. Мамлакатингизда маҳалла, сиёсий партиялар роли янада ошади».

Халқаро конференция иштирокчилари очиқ мулоқот руҳида ўтган муҳокамалар якунида Ўзбекистонда амалга оширилаётган комплекс демократик ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларини янада демократлаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Конференцияда Ўзбекистон тажрибаси дунёнинг кўплаб давлатлари учун мамлакатни демократия тамойиллари асосида изчиллик билан самарали ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган хулосага келинди.

**Тошкент давлат техника университетида «Honeywell» ёпиқ акциядорлик жамиятининг замонавий асбоб-ускуналар, аппарат ва дастурий воситалар билан жиҳозланган янги ўқув маркази ва лабораторияси очилди. Ушбу марказ талабаларга ўз билимларини ошириш ва чуқурлаштиришда ёрдам беради.**

# ЎҚУВ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Бой интеллектуал салоҳият ва табиий ресурсларга эга мамлакатимиз Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллайди. Турли мамлакатларнинг кўплаб йирик компаниялари, шу жумладан, Американинг кўп тармоқли «Honeywell» саноат-технология корпорацияси ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил сентябрь ойида Нью-Йоркда «Honeywell» корпорацияси раиси ва ижрочи директори Дэвид Коут билан учрашуви чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилган эди.

Ушбу ўқув маркази эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ташкил этилган бўлиб, «Honeywell» корпорациясининг барча ўқув марказлари рўйхатига киритилди ва келажакда марказга технологик жараёнларни имитацион моделлаштириш, уларни оптималлаштириш ва мониторинг қилиш, шунингдек, компьютер тренинги соҳасидаги янги ишланмаларни ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Мазкур ўқув маркази Тошкент давлат техника университети базасида очилгани бежиз эмас. Буюк қомусий аллома Абу Райҳон Беруний номидаги ушбу олий ўқув юрти авиация, геология, машинасозлик, энергетика, электротехника ва автоматика соҳаларида Марказий Осиёдаги энг йирик техника университетларидан бири ҳисобланади. У замонавий ўқув корпуслари, ўқув ва илмий лабораториялар, кучли тажриба базаси, олий ўқув юртигача тайёрлаш ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тармоғига эга.

Марказда талабалар, магистрантлар, аспирантларга технологик жараёнлар ва уларнинг қонуний асослари ўргатилади. Бу ерда мамлакатимиздаги етакчи саноат корхоналарининг техник ходимлари тайёрланади, қайта тайёрланади, шунингдек, улар бу ерда малака ошириши ҳам мумкин. Марказда «Honeywell»нинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳалари бўйича фаолият кўрсатадиган мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади.

**(ЎзА)**

## Иқтисодиёт

# БАРЧАГА БИРДЕК МАНЗУР

**Иқтисодиёт ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши ва бошқа давлатлар билан алоқаларини мустаҳкамловчи кўприкдир. Шу нуқтаи назардан республикамиз иқтисодиёти ўсиш суръатлари таъминланишига ҳисса қўшаётган бизнес субъектларининг ҳам давлатимиз барқарор ва изчил ривожланишида ўрни беқиёс. Бу борада биринчи навбатда аҳолининг иш билан таъминланиши ва турмуши янада фаровон бўлиши муҳим аҳамият касб этади.**

Ўзбекистон-Британия «Muzimpex» қўшма корхонасида каттаю кичик – барчага бирдек манзур маҳсулот тайёрланади. Эътиборлиси, яқиндан буён бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар «Янги авлод» савдо белгисига эга бўлди.

– Шубҳасиз, музқаймоқ авваламбор болажонларнинг севимли маҳсулоти саналади, шу боис сифатли ва соғлиқ учун фойдали бўлмоғи зарурдир, – дейди корхона менежери Бахтиёр Раҳмонов. – «Янги авлод» музқаймоғи бу талабларга тўлиқ жавоб беради. Мунтазам ўтказиб бориладиган сўровномаларга кўра, айниқса хуштаъмлиги билан кўпчиликка ёқади. Республикамиз бўйича ўтказилган йил танловида «Энг севимли музқаймоқ» номинациясига сазовор бўлгани ҳам яққол далилдир.

Ҳозирда 190 нафар ишчи меҳнат қилаётган «Muzimpex» қўшма корхонасида фермер хўжаликлари билан сут етказиб бериш бўйича алоқалар кенг йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бераётир.

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

**«Meri Poppins» масъулияти чекланган жамияти оилалар манфаати йўлида, айниқса меҳнат бобида фаол бўлган аёллар учун хизмат қилади десак, адашмаймиз.**

Мазкур жамият хизмат кўрсатиш соҳасида деярли янги йўналишда фаолият юритади. Бу ерда ҳар бир оила учун муҳим хизмат турлари – уй тарбиячиси, уй ўқитувчиси, ҳамшира, ошпаз каби еттита йўналиш бўйича мутахассисликка ўқитилади.

Дарҳақиқат, ташкилот менежери Нилуфар Бутаева таъкидлаб ўтганидек, доимий иш билан банд бўлган оилалар, биринчи навбатда аёлларимизга бу хизматлар катта қулайлик яратмоқда. Тан олиш керакки, баъзи оналар ишдан кеч қайтиши боис фарзанд тарбияси билан тўлиқ шуғулланишга қийналишади. Айнан шундай пайтларда «Meri Poppins» МЧЖ малакали мутахассислари хизматидан фойдаланиш имконияти очилди.

«Meri Poppins» МЧЖда нафақат мутахассис етказиб берилади, балки вақтинча ишсиз бўлган ёшлар ҳам бир ой ичида истагига кўра уй шароитида турли хизмат кўрсатишга ўқитилади.

# ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ КЕНГАЯДИ

**Албатта, бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳар бир соҳа ва тармоқ янада ўсишида асос бўлаётир. Республикамизда дунёнинг энг ривожланган компаниялари томонидан аҳолимиз учун муҳим бўлган маҳсулотлар етказиб берилаётганлиги ҳам ўзига хос аҳамиятга моликдир.**

Россиянинг «Гама» компанияси «Идеал Восток» ваколатхонаси орқали республикамизга 1000 га яқин турдаги рассомлар ҳамда мактаб ўқувчилари учун зарур бўлган бўёқ маҳсулотларини етказиб бермоқда.

— Рангтасвир олам гўзаллигини яратади. Бу гўзаллик эса инсон қўли билан чизгилар ёрдамида ўзгача бир тароват бахш этади, – дейди ваколатхона менежери Дилшод Зуфаров. – Ҳамкорларимиз томонидан импорт қилинаётган бўёқлар ҳозирча ўзимизда тайёрланмайди. Афзаллик томони шундаки, қоғозга туширилган сурат тезда қурийди, орқа тарафига акси тушмайди, соғлиқ учун мутлақо зарарсиз. Чунки бўёқларда кимёвий моддалар аралашмаси оз бўлиб, асосан табиий маҳсулотлардан тайёрланади. Дарвоқе, бўёқларнинг сифати доимий равишда экспертизадан ўтказиб борилади. Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, келажакда бундай маҳсулотлар кооперацион алоқа ўрнатиш орқали ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган.

Албатта, амалга оширилаётган ҳар бир иқтисодий лойиҳа мамлакатимиз ривожига таъсир этибгина қолмай, балки бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқалар чуқурлашишига ҳам хизмат қилади. Тараққиёт тамал тошини моҳир қўллар ҳамда юксак заковат яратади. Бунинг учун меҳнат, изланиш ва бирдамлик мужассамлашуви ўта муҳимдир.

**Миржамол ҲАТАМОВ**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси**

KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI

# «КАМОЛОТ» ФАОЛЛАРИ – КОНЦЕПЦИЯ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузаси тарғиботига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинар-тренингда мамлакатимиз олий таълим муассасаларидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий тараққиёт модели демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда эришаётган улкан ютуқларимизнинг асоси бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз маърузасида баён қилинган концепция муҳим тарихий ҳужжат бўлиб, унда Ватанимиз тараққиётининг келгуси босқичлари белгилаб берилган. Бу концепцияда илгари сурилган ғоялар ва қонунчилик ташаббуслари мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровонлигини юксалтириш, мамлакатимизни тараққий этган илғор давлатлар қаторига олиб чиқишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Унда белгиланган вазифаларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш, аввваламбор, концепция мазмун-моҳиятини ўрганиш, аҳамиятини чуқур англашга боғлиқдир. Бу мамлакатимиз ёшлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Анжуманда мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари бу муҳим ишда ташаббускор ва фаол бўлиши лозимлиги таъкидланди.

– Мазкур йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида университетимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчилари кенгаши аъзоси Суҳроб Норбеков. – Бу борада ишлаб чиқилган дастур асосида маънавият-тарғибот, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот йўналишидаги изчил ишлар олиб борилмоқда.

Дастур доирасида университетда ташкил этилган ахборот-тарғибот гуруҳи томонидан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда концепцияда илгари сурилган ташаббуслар ва белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш борасида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, ўқув жараёнида концепцияни ўрганиш бўйича махсус курс жорий этиш, зарур ўқув-услубий адабиётлар ва кўргазмали педагогик воситаларни ишлаб чиқиш, мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларни илмий жиҳатдан ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда конституциявий қонунларнинг аҳамияти, юртимизда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш каби масалаларга бағишланган маърузалар тингланди.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ**



# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАЪЛИМ МАСКАНИ

**Ёшларимиз келажак таянчи. Уларнинг таълим-тарбияси йўлида юртимизда барча шароит ва имкониятлар яратилаётгани шу боисдандир. Жаҳон андозалари даражасида қад ростлаб, зарур жиҳозлар билан таъминланаётган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ҳам шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.**

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицейлардан бирида бўлиб, бунга яна бир бора гувоҳ бўлдик.

2000 йилда ташкил топган бу академик лицейда мингдан зиёд ўқувчига Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари махсус фанлардан дарс ўтиб, турли мавзудаги семинарлар ҳам ташкил этишади.

— Ёшларимиз билимга чанқоқ. Бу борада кўплаб танловлар ўз самарасини бермоқда, – дейди лицей директори Наргиза Султонхўжаева. – Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган «Ҳуқуқ билимдонлари» кўрик-танлови шаҳар босқичида биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдик. Ўқитувчиларимиз ҳам катта тажрибага эга. «Энг яхши маънавият тарғиботчиси» танловида тарих фани ўқитувчиси Муҳаббат Бобожонова учинчи ўринга сазовор бўлди. Бундай мисолларни олдинги йиллар натижалари бўйича ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, лицейда ҳар бир дарс кўргазмали қуроллар ва амалий машғулотлар асосида ўтилади. Шинамгина ўқув залидан ташкил топган ахборот-ресурс маркази ҳам билим кўникмаларини чархлаш учун қулай имкониятдир. Марказ барча зарур дарсликлар ва бошқа адабиётлар билан тўлиқ таъминланган. Энг аҳамиятлиси – Ўзбекистон Миллий университети ва Германиянинг Мюнстер университети ўртасида имзоланган ҳамкорлик лойиҳасига асосан ҳар йили икки марта республикамизга ташриф буюрадиган немис талабалари шу лицейда тажриба алмашади. Хорижлик талабалар бевосита дарслар ҳам олиб боради.

– Мақсад, албатта, ёшларимизнинг тил ўрганишга қизиқишини орттиришдир, – дейди немис тили ўқитувчиси Комила Рўзиева. – Ўкувчиларимиз немис тилини яхши ўзлаштирмоқда дея оламан. Федания Муҳаммадиева немис тили бўйича олимпиаданинг шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллагани бунга яққол мисол бўла олади. Қолаверса, ҳамкорлик доирасида тажриба алмашинуви биз, ўқитувчиларга ҳам, фойдали бўлмоқда.

Лицей ўқувчилари бошқа фан олимпиадаларида ҳам юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Бундай ютуқлар замирида тинимсиз меҳнат ётади. Ўқувчилар билим олиши учун замонавий техника билан таъминланган тўрттадан лингафон ва компьютер хоналари, шунингдек тажриба ўтказиш лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Дарсдан бўш вақтларда ўғил-қизлар фан тўгаракларида қўшимча машғулот ўтиш имкониятига эга бўлса, жисмоний жиҳатдан фаоллигини ошириши учун талаб даражасидаги зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт зали улар ихтиёрига топширилган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу таълим масканида билим олаётган ҳар бир ёшнинг келажакка бўлган ишончи кучлидир.

**Ўлмас БАРАТОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси**

Ўқув муассасаларида

# ИЗЛАНИШ КЕЛАЖАК КАШФИЁТИДИР

**Ҳар томонлама доно, зукко ва билимдон бўлмиш ёшларнинг амалий ва назарий билимларини мустаҳкамлаш борасида ўқув муассасаларида самарали ишлар олиб борилмоқда.**

Жаҳон тиллари университети қошидаги 3-академик лицейда «Тажрибалар – келажак кашфиёти» мавзусида ўтказилган очиқ дарс ҳам ўқувчиларнинг эркин усулда турли хил тажрибаларни амалда қўллаб кўришига шароит яратиб берди. Бу ишда уларга кимё фани ўқитувчиси Гўзал Зияева яқиндан кўмаклашди.

Ўқувчилар интерфаол усулда турли соҳаларда фойдаланиш мумкин бўлган тажриба усулларини мустақил, энг муҳими зиёнсиз амалда кўрсатиб берди.

– Лицейда тўққиз юзга яқин ўқувчи амалий ва гуманитар йўналишларда таҳсил олади, – дейди лицей директори ўринбосари Мавжуда Муталибова. – Ҳар бир фан йўналиши бўйича махсус лабораториялар, шунингдек қўшимча тарзда тўгараклар ҳам ташкил этилган. Очиқ дарслар, турли соҳа мутахассислари билан учрашувлар ёшларнинг билимини оширишга хизмат қилиши билан бирга уларнинг онг ва тафаккурини ҳам теранлаштиради. Хусусан, очиқ дарс ўқувчиларнинг мустақил ишини ва ҳаракатини эркинлаштириб, ўз устида ишлашга ва изланишга имконият яратади.

Бугунги ўқувчи эртанги кунимизнинг истиқболи порлоқ эгасидир. Фарзандларимизга яратилаётган имкониятлар нурли келажакка ёрқин қадамдир. Шундай экан, ҳар қандай кичкина изланиш ҳам янгилик ва яратувчанликка дахлдор. Бунинг замирида эса ёшларимиз иқтидори, шунингдек ўқитувчиларнинг заҳматли меҳнати мужассамдир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

Архивлар фаолиятидан

# МУСТАҲКАМ АСОС ЯРАТИЛМОҚДА

**Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви 1962 йилда ташкил этилган бўлиб, унда бугунги кунга қадар 250 мингга яқин йиғма жилдда 1925 йилдан буён йиғилган ҳужжатлар сақланади.**

Архивда нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё бўйича илм-фан, техника, саноат, транспорт, алоқа, конструкторлик, ирригация, қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек илмий-лойиҳавий ва тиббиёт соҳаларига тааллуқли ҳужжатлар ўрин олган. Шу билан бирга фан тармоқлари ривожига салмоқли ҳисса қўшган кишиларнинг шахсий ҳужжатлари ҳам сақланади.

Бу ерда 500 га яқин турли корхона ва ташкилотга тегишли шахсий таркиб ҳужжатлари мавжуд. Улардан фойдаланган ҳолда давлат ҳисоби ва илмий-ахборот бўлими томонидан ижтимоий сўровномалар амалга оширилади. Ўтган йилда ижтимоий- ҳуқуқий сўровномалар бўйича (нафақа ёшига етганларга иш стажини тасдиқловчи, ойлик иш ҳақи кўрсатилган, қолаверса, ишга кирганi ва ишдан бўшагани ҳақида) 2,5 мингдан ортиқ маълумотнома берилди. Шундан икки мингдан зиёдини фуқаролар мурожаати, юздан кўпини Россиядан келган хатлар, қолганини интерфаол, яъни телефон, интернет ёки тўғридан-тўғри мулоқот орқали маълумотлар ташкил қилади.

Ҳужжатлар билан ишлаш қанчалик мушкул бўлмасин, архив ходимлари мурожаат қилувчиларга ҳар доим ширин муомалада бўлиб, хизмат кўрсатишга ҳаракат қилади.

Кейинги пайтларда архив ишини янада ривожлантириш ва халқаро даражага кўтариш борасида кенг саъй-ҳаракатлар олиб борилди. 2010 йил 15 июнда «Архив иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мамлакатимиз раҳбарининг марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари давлат архивида ҳам тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу саъй-ҳаракатларнинг бари архив ишини янада такомиллаштириш, уни замон талабига мос ташкил этишга хизмат қилади.

**Дилбар ЗОКИРОВА,**
**Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви директори**

# ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИГА БАРЧА МАСЪУЛ

**Бола ҳар томонлама камол топиши учун аввало у оила даврасида ғамхўрликда, меҳр-муҳаббат қуршовида ўсиши лозим. Шу билан бирга давлат томонидан ҳуқуқий ҳимояси таъминланиши муҳим аҳамиятга эгадир.**

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк даврлариданоқ бу масалага алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Маълумки, 1992 йилда Ўзбекистон Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиб, бир қатор халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Мазкур ҳужжат талабларидан келиб чиққан ҳолда давлатимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бола ҳуқуқлари қўмитасига мунтазам равишда тегишли даврий ҳисоботлар тақдим этиб борилади.

2001 йилда БМТнинг бола ҳуқуқлари қўмитаси тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режаси ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, бу борада қонунчиликни ҳам такомиллаштириш масалалари алоҳида ўрин тутади.

Чунончи, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бунинг яққол далилидир.

Ушбу қонунда назарда тутилган асосий мақсад тегишли муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан ота-онасиз қолган ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини оширишдан иборатдир.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг барча асосий ва қўшимча кафолатларини жамлаган тарзда мужассам этади ва мустаҳкамлайди.

Ўтган давр мобайнида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида мамлакатимизда халқаро ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича етарли даражада ишлар амалга оширилди. Амалдаги қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, шунингдек унинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган.

Шубҳасиз, бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича қонунчилик асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Асосий Қомусимизда бола дунёга келиши билан инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлиши давлат томонидан кафолатланиши белгиланган. 65-моддада фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенглиги қайд этилиб, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши ҳам белгиланган.

Мамлакатимизнинг бола ҳуқуқлари бўйича амалдаги қонунчилиги Ўзбекистон Конституцияси меъёрлари ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ тарзда ривожланишига қаратилган бўлиб, боланинг асосий ҳуқуқлари, уни ҳимоя қилиш шаклларини мустаҳкамлаган ва кенгайтирган. Шу ўринда Фуқаролик ҳамда Оила кодекслари айнан бу борадаги қонунчилик ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди, деб айтиш мумкин.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтириш, ювенал адлия тизимини яратиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш каби бир қатор масалалар бу борадаги амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар эканлиги мазкур қонунда белгилаб қўйилган.

2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича ҳаракат дастурида 2007-2011 йилларда алоҳида стратегия асосида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қатъий белгиланган.

Ҳар жиҳатдан етук, Ватан равнақи ва унинг тараққиёти учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган авлодни тарбиялаш бир йиллик ёки бир муддатлик иш эмас. Бугунги кунда фарзандларимиз ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиши, чуқур билим ва тафаккурга эга бўлиши учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни доимо ҳис қилишимиз зарур.

Ишончимиз комилки, бугунги ёшларимиз албатта давлатимиз янада тараққий этиши ва гуллабяшнаши учун хизмат қиладиган, эл корига ярайдиган инсон бўлиб камолга етади.

**Азизбек ЭРГАШЕВ,**
**Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси**

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейи маъмурияти лицей ҳудудида мавжуд бўлган кўчмас мулкни, яъни ошхона 110 квм, буфет 75 квмни ижарага бериш учун

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Академик лицей манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, М.Шайхзода кўчаси, 61-а уй 700107

1-Тошкент Давлат тиббиёт институти базасидаги интернатуранинг анестезиолог-реаниматолог мутахассислигини ўтаганлиги тўғрисидаги, битирув имтиҳонлари ҳайъатининг 25.07.1996 йилдаги қарорига биноан Худойназаров Қурбонмурод Саттарович номига берилган 950298 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## Қадриятларимиз

# ЎЗБЕГИМ ДЎППИЛАРИ

**Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» республика кўрик-танлови ҳамда «Ўзбек дўппилари» кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди.

Ўзбек дўппилари тарихи миллатимиз тарихи ва ёши билан баробар бўлса, ажаб эмас. «Сетора», «инжиқ» нусхадаги Андижон дўппилари ўта майда чоклари билан, «зардўзи-гулдўзи» ва «зардўзи-заминдўзи» Бухоро дўппилари ғоят нафислиги билан кишиларни лол қолдириб келганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Қорақалпоқ дўппиларининг «тоқима тақя» ёки «қўчқоршохи» деб номланувчи кашта турларидан тикилганлари ҳам ушбу замин аҳолиси турмушини ифодалайди. Танлов иштирокчилари ўз тиккан дўппиларининг нафақат гўзаллигини, балки ўзига хос урф-одатларга тегишли эканлигини ҳам кўрсатиб беришга ҳаракат қилди.

Дўппиларда ўзбек аёлининг сеҳрли қўллари меҳнати мужассамдир. Зеро, ҳар бир аёл тикаётган дўппига ўз меҳри ва муҳаббатини, орзу-умидларини жо айлайди.

Самарқандда Ургут дўпписи, Қашқадарё ва Сурхондарёда ироқию гиламдўзи, Наманганда Чуст дўппилари, тошкентча дўппиларни ҳам халқимиз азалдан улуғлаб келмоқда.

— Мен фольклор йўналишига қизиқаман, – дейди сурхондарёлик иштирокчи Гулнора Қозиева. – Ўзим шифокор бўлишимга қарамай, фольклор асарларни севиб куйлайман. Кўргазма жараёнида икки минг йил аввал тикилган дўппиларнинг тайёрланиш усуллари, ранг хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдим. Шунинг ўзи, ўйлайманки, қадриятларимизга бўлган ҳурматимизни янада оширади. Қолаверса, бундай тадбирлар анъаналаримиз бардавомлигини оширишда дастурулмал вазифасини ҳам ўтайди десак, адашмаймиз.

Кўргазма доирасида «устоз-шогирд» йўналиши бўйича ҳам ўзига хос беллашув ўтказилди.

**Дилсўз ҲУСАНОВА,**
**Башорат ЭРГАШЕВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабалари**



Алексей Попов олган сурат

## Спорт янгиликлари

# ШАХМАТЧИЛАР ДАВРАСИДА

**Истиқлол шарофати туфайли спортнинг барча турлари қатори «ақл гимнастикаси» ҳисобланмиш шахматга ёшлар орасида қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги, халқаро турнирларда Рустам Қосимжонов издошлари Ватанимиз довруғини кўкларга кўтараётганлиги қувонарли ҳол.**

Куни кеча 99-мактабда шахмат бўйича бир неча марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритган ҳамда халқаро турнирлар ғолиби бўлган халқаро гроссмейстер Сайдали Йўлдошев билан учрашув бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда кўп йиллардан бери фаолият юритиб келаётган «Сеҳрли шахмат» клуби ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбир ҳақиқий спорт байрамига айланиб кетди. Клуб бош мураббийси Сайдали Йўлдошев қизиқувчан ўқувчиларга шахмат тарихи, жаҳон чемпионларининг фаолияти ҳақида сўзлаб берди, ёшларнинг саволларига ҳам батафсил жавоб қайтарди. Тадбир доирасида ўзига хос кичик мусобақа ҳам ташкил этилиб, совриндорларга совғалар улашилди.

Баркамол авлод йили муносабати билан уюштирилган ушбу турнирда Сайдали Йўлдошев маҳорат мактабини ўтказди.

# БАДМИНТОНЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Пойтахтимизда бадминтон бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида уюштирилган Ўзбекистон Кубоги мусобақалари якунланди.**

Очиқ турнир тарзида ташкил этилган ушбу мусобақада қозоғистонлик бадминтончилар ҳам ғолиблик учун кураш олиб борди.

Шуниси қувонарлики, муросасиз беллашувларга бой кечган беллашувларда мамлакатимиз спортчилари етакчилик қилишди. Турнирда муваффақиятли иштирок этиб, мутахассислару мухлислар олқишига сазовор бўлган спортчиларимиздан Олег Саватюгин, Алишер Зоҳидов, Рафаэл Зокиров шоҳсупадан ўрин эгаллашди.

Аёллар ўртасида ғолиблик Карена Сулеевага насиб этган бўлса, Екатерина ва Анна Смирновалар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

Бадминтончилардан Комила Жумабекова, Валерия Муштакова, Ольга Конева, Вероника Исмоилова, Сурайё Аҳмаджонова, Малика Шукуроваларнинг чиқишлари мутахассислару мухлисларда илиқ таассурот қолдирди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади**

**Пойтахтимизда 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан хайрия тадбири бўлиб ўтди.**

# БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, шунингдек бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга Тошкент шаҳридаги махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, имконияти чекланган болалар таклиф этилди.

Юртимизда, тиббий-ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча болаларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, уларнинг пухта билим ва тарбия олиши, ўз лаёқати ва қобилияти бўйича касб-ҳунар эгаллаши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда махсус мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида эҳтиёжли болаларни ижтимоий, тиббий, психологик ва педагогик реабилитация қилиш, соғломлаштириш, жамиятга мослашуви учун яқиндан кўмаклашиш доимий эътибордадир.

Тадбирда «Жайҳун» қўғирчоқ театри, цирк, эстрада жамоаларининг театрлаштирилган дастури, уста ва ҳунармандлар ижодига оид кўргазма намойиш қилинди. Ногирон болаларга бадиий адабиётлар, миллий ўйинчоқлардан иборат совғалар топширилди.

**(ЎзА)**

**Бугун ер юзида ОИТС билан оғриётган кишилар сони йил сайин ортиб бормоқда. Ҳар йили дунёда 2,7 миллион одам бу инфекцияни юқтиради, шулардан 2 миллиони вафот этади.**

# ОГОҲЛИККА УНДАЙДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ОИВ/ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) бўйича дастурига кўра, айни пайтда дунё бўйича ОИВ инфекцияси билан яшаётган кишилар 33,4 миллионни ташкил этмоқда.

Таъкидлаш жоиз, бу касаллик юртимизда ҳам қайд этилган. Бедаво дардга асосан 25 ёшдан 49 ёшгача бўлган кишилар чалингандир.

Бу ҳолат, шубҳасиз, барчани огоҳликка чақиради. Айниқса эртамиз эгалари бўлмиш ёшларни бундай иллатдан асраш, уларга касалликнинг оғир ва аянчли оқибатларини тўғри тушунтириш долзарб вазифалардан биридир. Ана шу мақсадда ташкил этилган Республика ОИТСга қарши кураш маркази, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тиббиёт бирлашмалари ҳамкорликда беморларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Республика ОИТСга қарши кураш маркази бўлим мудири Шуҳрат Умархўжаев «Туркистон-пресс» мухбирига бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

– Республикамизда ОИТС га қарши кураш борасида қонуний асос яратилган. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори республикамизда ушбу касалликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

Марказ томонидан ОИВ инфекцияси тарқалишини олдини олишга йўналтирилган профилактик, эпидемияга қарши, диагностика, даволаш тадбирлари амалга оширилади. ОИВ инфекциясини юқтириб олган шахсларга саломатлигини ва меҳнатга лаёқатини сақлаш учун зарур бўлган ташхис қилиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш ташкил этилади ҳамда аҳоли орасида касалликнинг олдини олиш борасида ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилади. Республика ва ҳудудий марказлар, бошқа даволаш-профилактика муассасаларида қайд этилган масалалар бўйича аноним равишда мурожаат этган шахсларнинг исм-шарифлари сир сақланган ҳолда, ихтиёрий бепул маслаҳат олиш ва текширувдан ўтиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

ОИВ инфекциясини юқтириб олган киши ўзи танлаган шифокорга учраши ва даволаниши мумкин.

Ҳукумат томонидан тасдиқланган «2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар миллий режаси»нинг асосий йўналишларидан бири ҳам аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси бўйича тизимли ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этишдир. Инфекция тарқалиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш юзасидан ижтимоий тадқиқотлар ҳам ўтказилмоқда. Халқимиз менталитети, маънавий-ахлоқий негизларини ҳисобга олган ҳолда юқумли касалликлар профилактикаси, шахсий гигиена масалалари тўғрисида ўқув китоблари, услубий-таълим қўлланмалари нашр этилмоқда, кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Айтиб ўтилганидек, кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан салмоқли ижобий натижаларга эришилмоқда. Айниқса бажарилаётган ишлар таркибидаги меҳнат мигрантлари, яъни чет давлатларга меҳнат фаолияти билан шуғулланишга бориб келаётган кишиларни ҳам махсус тиббий текширувлардан ўтказиш, бу билан уларнинг оила аъзоларини касалланишдан асраб қолиш чоралари муҳим натижалардан бири саналади.

Эпидемиологик назорат кўрсаткичлари охирги йилларда хорижда ишлаш учун чиқиб келаётган кишилар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида мазкур касаллик билан хасталанганлар сони ортиб бораётганини кўрсатади. Шу боис ҳам меҳнат мигрантлари ва уларнинг яқинлари орасида касалликка қарши кураш чораларини амалга ошириш ҳудудимизда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Касалликдан ёшларни асраш, уларга ОИТС ҳақида тиббий билимларга асосланган маълумотлар бериш айни вақтда нафақат Республика ОИТСга қарши кураш марказининг зиммасида, балки барча учун ўта муҳим вазифадир. Бу борада мактаб, лицей-коллеж ва олий таълим муассасалари дарсликларига киритилган махсус тиббиёт дарслари, семинарлар, мутахассислар иштирокидаги учрашувлар аҳамиятга моликдир.

Шу билан бир қаторда ҳар ким соғлом турмуш тарзига риоя этиши, қалбан ва жисмонан покиза бўлиши, энг асосийси — олий неъмат бўлмиш умрини яхши амалларга бағишлаб яшаши ҳар қандай шароитда ҳам муҳимдир.

**Наргиза АСАДОВА**
**ёзиб олди**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

***ЕР-СУВ, ДЕҲҚОНЧИЛИК, МЕҲНАТ ВА МЕҲНАТСЕВАРЛИК ҲАҚИДА***

**Гап билан шошма,**
**Иш билан шош!**

**Гап билгунча, иш бил!**

**Гап — бошқа, иш — бошқа.**

**Гапни кам сўзла,**
**Ишни кўп кўзла!**

**Дарахтдан мева оламан десанг,**
**Ниҳоллигидан парвариш қил!**

**Дарахт япроғи билан кўркам,**
**Одам — меҳнати билан.**

**Дарё сувини баҳор тоширар,**
**Одам қадрини меҳнат оширар.**

**Деҳқон бўлсанг, куз ҳайда,**
**Куз ҳайдамасанг, юз ҳайда!**

**Деҳқоннинг иши ер билан,**
**Ернинг иши сув билан.**

**Деҳқоннинг хазинаси — ер.**

**Деҳқон экканини олар,**
**Боғбон — тикканини.**

**Ер — бойликнинг онаси бўлса,**
**Отаси — меҳнат.**

**Ерга ошатсанг, ош битар,**
**Ошатмасанг, тош битар.**

**Ери бойнинг — эли бой.**

**Ерини алдаган оч қолар.**

**Ерини алдаган — ўзини алдар.**

**Ер(ни) қазимасанг, олтин чиқмас,**
**Қармоқ солмасанг, балиқ чиқмас!**

**Ер-сув — битмас кон.**

**Ер — тўйдирар, ўт — куйдирар.**

**Ер тўймагунча, эл тўймас.**

**Ер тўқ — сен тўқ.**

**Ер — хазина, сув — олтин.**

**Ер қадрини билмайди**
**Ер экмаган деҳқонлар.**
**Эл қадрини билмайди**
**Эл кўрмаган нодонлар.**

**(Давоми бор)**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*__1 декабрь__ куни Тошкент шаҳрида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси — 2-4, кундузи — 15-17 даража илиқ бўлади.*

*__2 декабрь__ куни — ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси — 2-4, кундузи — 15-17 даража илиқ бўлади.*

*Республикамиз ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Шарқдан секундига 7-1 метр тезликда, 2 декабр куни — вақти-вақти била кучайиб, секундига 15-2 метргача шамол эсади Кечаси — 0-5 даража илиқ кундузи 12-17 даража илиқ бўлади.*

*Гидрометеорологи марказининг атмосфера, юз сувлар ва тупроқ ифлосланиш мониторингини олиб бори хизмати маълумотига кўр __1 декабрь__ ва эртала __2 декабрда__ Тошкент шаҳрин об-ҳаво шароити шаҳар ҳав муҳитида зарарли моддаларни бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанин ифлосланиш даражаси 1-3 фо кўпайиши тахмин қилинмоқд Ифлосланиш тағмиқдори пас бўлади.*




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2592 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланд

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 1106

Топширилган вақти: 15.15